**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**
**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ**

**МЕХАНИКА ФАКУЛЬТЕТИ**

**Нурматова Муштарийнинг**

**Компазиция принциплари бўлими мавзуларини интерфаол усулларини қўллаш орқали ўқитиш услубиёти**
**мавзусидаги**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Фарғона–2013**

## I. Кириш қисми.

Таьлимни тарбиядан, тарбияни эса таьлимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона хаёт фалсафаси деб таькидлаган президентимиз И.А.каримов. Ўзбекистон Республикаси демократик хуқуқий ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бормоқда. Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади бу харакатга келтирувчи куч хар томонлама риводланган баркамол инсондир. Мамлакатимиз ривожланишининг мухим шарти замонавий иқтисодиёт, фан, маданият, техника, технология ривожи асосида кадрлар тайёрлашнинг такомиллашган тизимини яратишдан иборат.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда узлуксиз таьлим тизимининг тузилмаси ва мазмунини замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибага таянган холда туб ислоҳотлар кўзда тутилади. Бунинг учун аввало узлуксиз таьлим тизимининг барча шаклдаги таьлим муассасаларида таьлим жараёнини сифатини таьминловчи илғор илмий методик жиҳатдан асосланган услубларни амалда қўллаш лозим. Фан техника ва илғор технология ютуқларидан фойдаланган ҳолда ёш авлодга таьлим тарбия беришнинг мақсад, мазмун услуб ва воситаларини илмий жиҳатдан таьминлаш педагогика фанининг долзарб муаммоларидан бири хисобланади.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таьлим тизими орқали шахснинг хар томонлама баркамол бўлиб етилишини кўзда тутади. Шахс узлуксиз таьлимда ва кадрлар тайёрлашда таьлим хизматларининг истемолчиси ҳамда ишлаб чиқарувчиси сифатида намоён бўлади. Шахс таьлим хизматларининг ишлаб чиқарувчиси сифатида таьлим жараёнида билим ва тажрибани талабага узатиш ишлаб чиқариш моддий мухити шароитида шунингдек, фан маданият, таьлим хизматларида иштирок этади. Республикамизда шахсларга ўз ижодий салохиятини амалга ошириш учун мутахассислик таьлим дастурини танлаш хуқуқи берилади. Олий таьлим узлуксиз таьлимда муҳим ўринни эгаллайди.

Олий, умумий, ўрта, ўрта махсус, касб хунар таьлимлари асосида узлуксиз таьлим тизимининг мустақил тури хисобланади ва ўзбекистон Республикаси “Таьлим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”га мувофиқ амлга оширилади. Ушбу хужжатларда олий таьлимнинг белгиланган вазифаларидан бири юқори савияда ўқитишни таьминлаш ва малакали кадрларни замонавий таьлим касб хунар дастурлари асосида тайёрлашдир. Олий таьлим ўқитувчисининг фаолияти шахсни тарбиялаш жараёнида таьлим тарбия олиш шароитларини яратиш, унинг эхтиёжларини қондириш ва қобилятларини очиш ҳамда ривожлантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Олий мактаб ўқитувчисининг малакаси махсус ва педагогик фанлар билан ёритиладиган икки каррага эга бўлиши лозим ва у доимо: “Нима учун ўқитиш керак?”, “Қандай ўқитиш керак?” деган саволларга жавоб топиш зарур. Бу жавоблар педагогика фанининг асосий қоидалари ва қонуниятларига мос ҳолда талқин қилиниши, шунингдек, таьлим хусусиятлари эьтиборга олинган билимларга асосланган бўлиши лозим. Педагогиканинг муҳим муаммоларидан бири ўқитувчининг мутахассислиги ва фаолиятининг асосини ташкил этиш шарт бўлган педагогик жараён назариясини ишлаб чиқишдир.

Ёш педагоглар мутахассислик бўйича мавжуд билимларидан ташқари ўқув жараёнига қадам қўяр эканлар, педагогик ва психологик билимлар, технология ва ўқитиш методикаларига доир зарур педагогик билимларни эгаллаган бўлишлари керак. Ана шуларни эьтиборга олган ҳолда, ёш педагогларнинг малакасини оширишда асосий масалалар қуйдагича белгиланади:

- ўқитиш жараёнининг самарадорлигини таьминловчи педагогик малакларни

шакллантириш;

- ижтимоий – иқтисодий, сиёсий, гуманитар билимларни англашга йўналтирилган

янги касбий тафаккурни шакллантириш;

- ўқитувчи фаолиятининг методологик асоси сифатида педагогик билимлар
тизимини эгаллаш;
- ўқитувчиларнинг касбий фаолиятларига яқинлаштирилган услублар тизими
сифатидаги ўқитиш технологиясини эгаллаш.

Ҳозирга кунда таьлим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёш иқтидорли педагог ва илмий кадрларда юқорида саналган малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш мақсадида ушбу дастур ишлаб чиқилди.

## 2. Асосий қисм

### 2.1 Техник тавсия

Кийимни конструкциялаш жараёнини такомиллаштириш хозирги вақтда тикувчилик корхоналари олдида турган жуда муҳим масалалардан биридир.

Илгарилари кийимни конструкциялаш деганда унинг деталлари чизмасини чизиш тушуниларди. Кийим – кечак кўплаб ишлаб чиқарилиши ва илмий тадқиқод ишлари авж олиши натижасида конструкциялаш жараёнининг мохияти ва мазмуни тўғрисидаги фикрлар ўзгарди.

Киймнинг юқори сифатда бўлиши таьминлашда мухим ахамиятга эга бўлган лойихалаш ишларининг биринчи босқичида техник топшириқ ишлаб чиқилди. Топшириққда кийимнинг асосий вазифаси акс эттирилиши билан бирга, сифат кўрсаткичлари берилиши, конструкцияга оид хужжатни ишлаб чиқиш этаплари, унинг таркибий қисмлари, шунингдек, кийимга қўйилган махсус талаблар акс эттирилган бўлиши лозим.

Иккинчи босқичда техник таклифлар ишлаб чиқилади: техник таклифлар бир хилдаги ёки ўхшаш вазифани бажарадиган кийим – аналоглар тахлилига асосланиб янги кийимлар ечимининг мумкун бўлган вариантларини тайёрлаш ўз ичига олади. Энг юксак сифат кўрсаткичларига эга бўлган модел – аналогларининг эталон қаторини тузиш, техник таклифлар тайёрлаш, серияга кирадиган моделларнинг конструктив

ўхшашлигини (бошқа айтганда, ишларнинг, ғоянинг ўзига хослигини хамда моделларнинг рақобатга қодирлигини кўрсатиб берадиган элементларни) текшириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилади.

Учинчи босқичда эскиз лойиха таёрланади. Эскиз лойиха кийимнинг тузилиши ва асосий параметрлари тўғрисида умумий тасаввур туғдирадиган принцпиал констркутив ечимни ўз ичига олади. Янги моделларнинг эскиз тасаввурларини чизиқлар ёрдамида кўрсатиш формаси хозирча тўлиқ ўрганилган эмас.

Лойихалаш ишларнинг тўртинчи босқичида кийимнинг техник лойихаси ишлаб чиқилади. Техник лойиха конструкторлик хужжатларнинг мажмуи бўлиб, лойихаланган кийимга оид маьлумотларни ўз ичига олади. Асосий деталлар (кийимнинг белдан юқори қисмининг олди ва орқаси, енглар ва ёқалар)нинг чизмалари, шунингдек, лойихаланадиган кийимнинг тузилишини белгилаб берадиган асосий конструктив узелларнинг технологик карталарни шулар жумласидандир.

Бешинчи босқичда иш (констроктурлик) хужжатларни ишлаб чиқилади. Хозирги вақтда бу иш андазалар комплекти илова қилган техник таърифни расмилаштиришдан борат бўлмоқда.

## 2.2. Мода йўналиши

Республикамизнинг таьлим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёш истиқболли педагог кадрларга замонавий педагогик технологияларни ўргатиш, педагогика ва психология фанларига оид билимларини янада мустаҳкамлаш ва олган билимларини ўқув – тарбия жараёнига қўллай олишга ўргатиш, шунингдек, уларга педагогик махорат сирларини очиб беришдан иборат.

“Костюм” ва “кийим” тушунчаларини одамга, унинг гавдасига ва қиёфасига нисбатан кўриб чиқиш керак. Бу иккала тушунча одатда бир – бирига жуда ўхшаш бўлса ҳам, аслида улар бошқа – бошқа маьнони билдиради.

Кийим бу – материалларни одам танасидаги қобиқ системаси бўлиб, танани иқлим таьсиридан сақлайди ва одамнинг ўзига хос баьзи хусусиятларини намоён қилади.

Костюм бу – кийим қисмларининг муайян образли бадиий системаси ва бу қисмларини инсоннинг индивидуал образини ёки ижтимоий группасини характерловчи, қарор топган ёки ташкил топган принципларига асосан яратилган, муайян тарихий босқичда эришилган маьлум техник, илмий ва маданий ютуқларни акс эттирувчи кийиб юриш тарзи. Кийим, бош бош, поябзал предметларининг, қўшимчалар ва безакларининг йиғиндиси, шунингдек соч турмаклаш ва грим – буларнинг хаммаси биргаликда костюмни ташкил этади.

Одатда, эркаклар ва аёллар кийимини пиджак, шим ёки жакет ва юбкадан иборат маьлум бир турни ҳам костюм деб аталади.

Қўшимчалар костюмда бир бутун кўринишини беради. Уларга шарф, сўмка, зонтик, хасса, перчаткалар киради.

“Кўйлак” терминининг иккита маьноси бор. Биринчидан бу бевосита бадан устидан кийиладиган (ички кийим ва поябзалдан ташқари) билдирса, иккинчидан, ички кийим ичидан кийиладиган енгил кийим.

Бундан ташқари айёлларнинг енг кўп тарқалган кийим тури ҳам кўйлак дейилади.

Костюм – бу инсоннинг индивидуаллигини ёки ижтимоий гуруҳини ифодаловчи муайян образли бадиий система.

Елка ва бел кийим, бош кийим, поябзал қўшимчалар (аксессуарлар), безаклар, грим, соч турмаги, танани бўяш, унинг шаклини ўзгартириш – буларнинг барчаси биргаликда костюмни ташкил этади.

Костюм шакли пайдо бўлишига, унинг ўзгаришига, мукаммаллашиб боришига қуйдагилар сабаб бўлган: табиий омил – коинот, ер, ташқи муҳит, иқлим, фасл ва бошқалар; ижтимоий иқтисодий омил – жамоанинг тузуми, халқнинг тарихий тақдири, этник гуруҳи ва миллати, дин, турмуш тарзи, фан

ва техника ривожланиши ва бошқалар;  инсоний омил – жинси, ёши, гавда тузилиши, психологик тури.

Костюм ушбу сабабларга кўра ўз томонидан бир неча вазифани бажаради: ҳимоя, биостимуляция, эротик, ижтимоий, белги, эстетки ва бошқалар.

Ҳар қанай давр костюми саьнат асари бўлган, чунки нсон ўзининг эстетик дидига, тасаққурига биноан бадиий образ яратган. Костюм давр ва услубга биноан ўзгариб турувчи мураккаб саньат асаридир ва ўзига хос композицияга эга.

Костюм барча саньат турлари билан уйғунлашади, айниқса, меьморчилик билан. Чунки меьморчиликда ва костюмда ўзига хос тектоник тузилишлар ва конструктив аниқлик бор.

Костюм тарихини тадқиқот қилиш учун турли манбалардан фойдаланиш мумкин: давр ва халқ тарихи, тасвирий саньат асарлари, амалий саньат асарлари, адабиёт маьлумотлари ва сақланиб қолганлибос намуналарида ҳамда мода журналларидан ва бошқалар.

Костюм услуби.

Услуб – бу жамият моддий ва маьнавий маданиятидаги муҳим ва характерли белгилар образли системаси ижодий принципларнинг тарихан таркиб топган бир қадар барқарор муштараклигидир. Услуб – бу даврнинг бадиий тили, унинг бадиий характеристикаси. Давр ўзига хос ижтимоий – иқтисодий формация билан белгиланади.

Ҳар бир даврнинг ўзига хос бадиий услуби бўлади. У жамият ҳаётидаги муҳим омилларни акс эттиради. Ҳар қайси тарихий давр ўзи учун характерли шаклларни танлар экан, инсоннинги маьлум даражада костюмда ўз ифодасини топган муайян эстетик идеалини ўзига бўйсундирар эди.

Ҳар қандай тарихий даврдаги костюм шаклининг заминида одамнинг муайян даражада пластик нафис образи ва гавдаси ётади. Ҳар бир гармония (юнонча гармония – предметлар, мувофиқлиги, воқеалар бутун қисмларнинг турли сифатларининг боғлиқлиги, келишганлиги, мувофиқлиги, монандлиги)

ва баркамоллиги ҳақида, инсон гавдасининг эстетик идеаллиги тўғрисида ўзининг тушунчасини ривожлантирарди, бундан эса костюмдаги мутаносиблик, кўлам, геометрик ҳажм, шакл ва рангларнинг турли – туманлиги келиб чиқади.

Муайян ижтимоий – иқтисодий формация тикувчилик рассомларининг қанчалик, меьёр, эстетик идеал билан ёндошганлиги моддий муҳим предметлари стилининг, кўп турлиликдаги бирлигининг характерини белгилаб беради.

Ўрта асрлар костюм гавдани турли воситалар ёрдамида қисиб, табиий шаклдан узоқлаштирадиган ”ғилоф” системаси ривож топишини бошлаб берди.

Бундай костюм юқори томон интилган бутхоналар архитектура шаклларининг дабдабадор, чўзиқлигида, турмуш ва одатларнинг сертакаллуфлигида намоён бўлган ўша давр умумий услубининг ифодаси эди. Руҳий омил билан моддий омил ўртасидаги зиддият кучайиб кетганлиги натижасида ўрта асрлар саньатида диспропорция билан ассиметрия алоҳида ифодасини топади.

Уйғониш даврида эстетик дунё қарашларни қайта баҳолаш юз беради: янги гуманистик идеалогия шаклланади. Бу буюк географик кашфиётлар илм ва техника ютуқлари даври саньат даври эди.

Уйғониш давридаги вазмин гармоник шаклларнинг акси тариқасида абсолютизим дворянлар маданияти ва дунёни бўлиб олиш мақсадидаги урушлар таьсирида таркиб топган Бороко услубидаги XVII аср саньати келиб чиқади.

Эндиликда одам маьнавий қудратини гавда пропорцияларининг гўзаллигини намойиш қилмайди: ижтимоий молиявий дунёдаги қудратли одам образи эьтибор марказига ўтади. Гавдани пластикаси ўзгаради, чунки подшоҳ саройларида оёқ учида юриш лозим бўлиб, у пошнали поябзал райдо бўлишига олиб келади. Гавдани муносиб қилиб кўрсатиш учун костюмнинг елкаси қорин қисми тагига ҳар – хил тагликлар қўяди. Айёллар кийими

қимматбаҳо газламалардан (парча, атлас, духобадан) кўп қаватли қилиб тикилиб нақш жимжималари, бандлар билан безатилган.

Костюм модаси.

Мода (франтс., мода – меьёр, тарз, усул) пайдо бўлиши анчагина мураккаб воқеа бўлиб, жамият ҳаётидаги қатор – қатор ҳаёт омилларга боғлиқ, инсоннинг жуда кўп фаолиятига ўтади.

Мода – турмушнинг ташқи кўринишида, асосан кийимда намоён бўладиган бирон диднинг муайян ижтимоий муҳитда озроқ вақт ҳукмрон бўлиб туришидир.

Мода билан услуб ўртасидаги фарқ заминида уларнинг ижтимоий вазифалари ётади. Услубда жамиятнинг ўтмишга ва теварак – атрофдаги дунёга муносабати умуман ифода топса, модада ана шу жамият ичидаги замондошларнинг ўзаро боғлиқлиги акс этади.

“умуман модага ҳайратланиб ва ҳариҳоҳлик билан қарайдилар. Ундан завқланадилар, унга эргашадилар. Лекин ҳамма эмас. Модани ёқтирмайдиганлар ҳам бўлиб улар ўзининг етук бўлмаган ёки очиқдан – очиқ консерватив дидларини бошқаларга ўтказиш мумкин деб ҳисоблайдилар. Модельерларнинг ҳар бир янги таклифига улар ашаддий қаршилик кўрсатадилар улар тўнғиллаб, зарда қилиб юрадилар, редацияларнинг жаҳлдор хатларга кўмиб ташлайдилар, замонавий кийинган киши кетидан ҳайқириб кулги кўтарадилар.бироқ ҳили хеч ким вақтни тўхтата олган эмас!”

Алмашиб туриш моданинг энг муҳим хусусияти. Янги мода пайдо бўлганда костюм ўзининг эстетик қадрини йўқотади. Бу эса моданинг характеридаги зиддиятни кўрсатади. Мода вақтинчалик ва ўтиб кетадиган тушунча–ку, лекин унда гўзаллик тушунчаси сифатида сақланиб қоладиган эстетик топилмалар ҳам бўлади. Мода – замонавий дегани, эстетик қиймат эса ҳамма вақт ўзгармас бўлиб қолади. Бироқ моданинг зиддиятлилиги унинг прогрессивлилигини инкор этмайди. Мода инсоннинг янгиланиб туришдек табиий интилишига мос бўлади. Мода турмуш маданияти ва эстетикасини олға томон етаклаб боради. У замонавийлик нуқтаи назаридан энг маьқул

ечимларни танлаб олади. “Мод – бу янгиланиш! Бу табиат риоя қиладиган принцип! Дарахт эски баргини, одам эса жонга теккан кийимини ташлайди. Нарсалар ҳаддан ташқари ўрганиш бўлиб кетса, одам улардан тез чарчайдиган бўлиб қолади. Мода зерикарли бир хилликдан халос қилади. Одамлар бир–бирига ёқишни хохлайди: чиройли кийинсам, яхши кўринсам дейди – бу табиий эҳтиёж”.

Мода – бу тақлид ва янгилик. Лекин бунда ҳамма вақт янгиликка ёки ғайритабиийликка тақлид қилинавермайди. Шахс билан жамиятнинг ўзаро муносабатида тақлид билан бир қаторда бунинг акси бўлган ҳодиса ўзига хослик намоён этиш ҳам бўлади.

Мода қаерда пайдо бўлади? Кўпчилик модалар уйида деб хисоблайди. Хўш модалар уйи бўлмаганда мода қандай пайдо бўлган? Ҳамма вақт моданинг автори бўлганми? Мода тарихчиси Беённинг таькидлашича, моданинг асосий чизиғини хеч ким яратмайди. Мода жамият билан биргаликда ўсиб боради ва тараққий топади, у замона фарзандию, лекин ўзининг қатьий характери бор. Муайян конкрет мода кўчкига сабаб бўладиган кўр соққага ўхшайди. У ўсиб, семириб боради–да ниҳоят, чегарасига етганда, бузилиб кетади.

Ижтимоий – иқтисодий формация, иқлим, теварак атрофдаги табиат халқ аньаналари, турмуш тарзи, йирик ижтимоий – сиёсий воқеалар, фан, техника, спортга оммавий қизиқиш, янги материаллар пайдо бўлиши, космик давр каби турли туман омиллар моданинг шаклланишига таьсир кўрсатади.

## 2.3. Кийимга қўйиладиган талаблар

Кийимни лойихалаш талаблар программасини тузишдан бошланади Талаблар икки группага ажратилади: *истемолчи* (матлуботчи )*лар талаблари* ва *саноат-еканомика нуқтаи назаридан қўйиладиган талаблар.*

Биринчи гуруппага эксплуататцион, естетик гигеиник талаблар, кийимнинг товарлик сифатига, уринишига оид ва бошқа талаблар киради.

Эксплуататцион талаблар деганда, кийимнинг вазифасига ва фойдаланиш шароитларига мослиги қулайлиги, чидамлиги, ишончлилиги, формасининг

барқарорлиги тушунилади. Эстетик талаблар деганда, кийимнинг модага мослиги, янги материаллардан тикилганлиги, янги отделкалар ишлатилганлиги, истеьмолчиларнинг эстетик дидларини қондириши тушунилади. Гигиеник талабларга кийимнинг иссиқлик баланси хаво ўтказувчанлиги, ички (кийим остидаги) нам-тердан ёки ташқи нам (қор ёмғир ) таъсиридан химоялаш даражаси, енгиллиги, констукциясининг қулайлиги (кишининг нормал физиологик функцияларига халақит бермаслиги) киради. Гигиеник талаблар бирмунча умумийроқ бўлиб эргономик талабларини ўз ичига олади эргономик талаблар эса антропометрик гигиеник психо-физиологик мосликка оид бир қанча кўрсаткичларни ўз ичига олади.

Иккинчи гуруппага технологик стандартлаштириш ва унинг методлари тежамкорликдан иборат талаблар киради. Тежамкорлик лойихалаш харажатлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар шунингдек истемольчиларнинг ундан фойдаланиш харажатлари билан харакатлантиради кўп моделли потокларда тайёрланадигон моделларга технологик бир хиллик жихатидан қўшимча талаблар қўйилади: бу талаблар корхоналарнинг унификатциялаштирилган барқарор патокларда ишлашни таъминлайди.

## 2.4. Кийим материалига қўйиладиган талаблар.

Газламаларнинг гигеник хоссаларига хаво ўтказувчанлиги, буғ ўтказувчанлиги, сув ўтказувчанлиги, хўлланувчанлиги, чанг олувчанлиги ва бошқа хоссалари киради. Газламани хаво ўтказувчанлик –газламаларни хаво ўтказиш хусусияти; унинг тола таркиби, зичлиги ва пардозига боғлиқ бўлади. Сийрак газламалар хавони яхши ўтказади зич газламалар, сув юқтирмайдиган эритмалар, шимдирилган, резиналанган газламалар хавони бутунлай ўтказмайди. Эркаклар пиджаги учун трико костюмдан бу газлама кенг тарқалган репс саржа ва турли аралаш кўринишларда тўқилади, соф жун триколар ва вискоза кўпинча лавсан аралаштирилган ярим шим триколар бўлади. Трико гулдор ёки тандаси нақшдор бўлади, Сидирға трикода аралаш бойлама йўли урилиш билиниб туради. Бу билан бостон ва креплардан фарқ қилади. Уч ёқали капрон аралаштириб тўқилган трико хам бор. У жимирлаб

ялтираб туради ярим ун трико таркибида 23 -85% ей 20-60 % лавсан бўлади. Лавсанди юпқа зич трико, гуллар, хиёл йўл йўл ёки катак триколар хам бор . Уларга эхтиёж кўпроқ бўлади. Газламаларни механик хоссалари. Кийимнинг эскиришига асосан унга тўзувчи, эзувчи, букувчи кучлар, ишқаланиш кучлари таьсир этиши сабаб бўлади. Шунинг учун кийимнинг охори ва шаклининг яхши сақланишида ҳамда узоққа чидашида газламанинг турли механик таъсирларга чидамлиги яни механик хоссалари катта роль ўйнайди газламанинг механик хоссаларига пишиқлиги, узайиши, тўзишга чидамлилиги, ғижимланувчанлиги, қаттақлиги драпланувчанлиги ва бошқа хоссалари киради. Газаламанинг пишиқлиги уни чўзилишига чидамлилиги белгилайди. Шунинг учун кийимнинг охори ва шакли иши яхши сақланишида хамда узоққа чидашида газламанинг турли механик таъсирларига чидамлиги катта рол ўйнайди. Галаманинг механик хоссаларига пишиқлиги, узайиши, чўзишга чидамлиги, ғижимланувчанлиги қаттиқлиги, ва драпланувчанлиги ва бошқа хоссалар киради. Модел тавсифларини ишлаб чиқиш ва уни анализ қилиш. Эркаклар кузги, бахорги пиджаги, пиджак креп материалларидан тикилган материал майда нақшли олд бўлагида виточкаси бор олд бўлагини кўкрак қисмида листочкали чўнтаги бор паст қисмида қопқоқли қирқма чўнтаги бор икки чокли енгдан иборат ёйқаси оддий ёқа.

2. Модель эркаклар пиджаги материали трико материалдан репс саржо ва турли аралаш ўрилмалардан тўқилган. Пиджакни олд бўлаги кокеткали енги икки чокли оддий енг орт бўлакли пастки қисмида латукали бор енгни учида қирқимида бурмалар билан безатилган. Ёқаси кастюм ёқа қоплама чўнтаги бор олд бўлакда.

Модель эркакларга мўжалланган пиджак материали камвол газламадан полотно ўрилишли зич тўқилган йўлсиз сийдам пиджакни орт бўлагини ўрта чокида шлитцаси бор икки чокли ўтказма енгли олд бўлагини тепа қисмида листочкали қирқим чўнтакли ёқаси оддий борт қисмида тугмалари бор қоплама чўнтаги манжет билан безатилган.

## 2.5.. Модел тавсияларини ишлаб чиқариш ва уни анализ қилиш. Асосий моделни танлашни ўқувчиларга ўргатиш.



1– расм.

**1 – модел**

Аёллар ёзги енгил кўйлаги. Бу кўйлак ёшлар учун мўлжалланган. Кўйлакнинг материали батист матосидан танланган. Енгсиз, енгил кийим, белга ёпишган силуетли. Олди бўлак ёқа ўмизи тўртбурчак шаклда, этак қисми ассиметрик шаклда.



**2** – расм

**2 – модел**

Аёллар енгил кийими. Силуети белга ёпишган шойи матералидан тикилган олд бўлак ёқа ўмизи тўртбурчак шаклда кенг қилиб очилган. Енг қисми узун материали гифёрдан тикилган. Енгни пастки қисмида манжети бор. Манжетни учида безак сифатида валан тикилган. Кўйлакни этак қисми отрезли. Отрезда гифёрга материални ўзидан валан шаклида безатилган.



**3 – расм.**

**3 – модел.**

Аёллар замонавий кофта юбкаси. Ушбу моделни кофтаси сидирға чўзилувчан материалдан тикилган. Юбкаси эса креп матосидан тикилган. Кофтани олди бўлаги ёқа ўмизи учбурчак шаклда ўйилган. Силуети белга ёпишган. Бел қисми кўндаланг ҳолда тикилган. Бир чокли узун ва ёпишган силуетли енг. Юбканинг этак қисми кенгайтирилган ассиметрик шаклда учбурчак қилиб тикилган. Молния тақилмаси белида жойлашган.

## 2.6. Техник лойиҳа.

Кийим деталларининг чизма ёйилмасини чизиш бирин кетин келадиган бир нечта босқичга бўлиб бажарилади. Босқичлар сони ва уларнинг мазмуни конструкциялаш методига боғлиқ. Қуйидагилар энг кўп қабул қилинган босқичлар.

**1. босқич** Кийимнинг умумий конструктив-технологик таърифига хамда унга қўйиладигон талаблар; Кийим (буюм) нинг кўриниши ва бичими, кийим конструкциясининг тури, етакчи белгиларига оид ўлчовлар ва ёш омилларига боғлиқ ўлчовлар, материалнинг форма хосил қилишга таъсир кўрсатадигон хоссалари хамда кийимнинг хоссалари, тикиладигон кийимга қўйиладигон талаблар аниқланади.

**2. босқич** Бошланғич маълумотлар: мавжуд норматив-техник хужжатлар бўйича ўлчов белгилари ва пакет қалинлигига қилиб бериладигон хақ танланади.

**3. босқич** Конструкция учун керакли маълумотлар хисоблаб чиқарилади бундан кўзланаётган мақсад деталларнинг асосиий ўлчамларини аниқлаш хамда конструкциянинг элементларини ўзаро мослаштириш.

**4. босқич**. кийим чизмасининг базаис тўрини тайёрлаш у вертикал ва горизонтал чизиқлардан иборат бўлиб, чизиқлар орасидаги масофа дастлабки хисоблашга мувофиқ белгиланади.

**5. босқич**. Кийим чизмасининг асосий схемаси чизилади кийим чизмасчининг бир хил бичимдаги кийимнинг турли модельллари учун умумий бўлган чизиқлари: кийим орқасининг ўрта (марказий) чизиғи, бар чизиғи, буюмнинг юқорига конторлари хамда констркциянинг бошқа элементлари чизилади.

**6. босқич** Конкрет моделга хос конструктив чизиқлар –пардоз бахиялар; барлар ва ёқа қайтармаси (лапкан) четига чизилади, чўнтаклар ўрни, ён чоклар хамда безак чоклар ўрнини билдирувчи ва бошқа чизиқлар тортилади. Кийимнинг чизмаси хосил қилинади.

**7. босқич.** Чизманинг сифати: деталларнинг туташадигон жойлари, ўлчамлари хамда кийим деталларининг бир номдаги зихларининг шакли, уларнинг хисоблаб чиқарилган ўлчовларга мостлиги ва хоказолар текширилади.

## 2.7. Композицияни асосий принциплари.

Композиция воситалари орасида пропорцияларни, ўлчам нисбатларини биринчи ўринга қўйиш керак - бутун композицияни қуришнинг асоси мана шу. Кийим деталлари ўзича қанчалик яхши бўлмасин, лекин бутун ҳажмий - фазовий структурани аниқ пропорционал система бирлаштириб турмаса, шаклнинг бир бутун бўлиб чиқиши қийин.

Кийим шакли монолит бўлмайди ва, одатда, уни ташкил этувчи бутун бир қатор қисмлардан иборат бўлади. Шаклнинг бўлаклардан иборатлиги одам гавдаси тузилишининг мураккаблигидан, унинг қад-қоматидан,неча ёшдалигидан;

материални характеридан ва кийимни тикиш технологиясидан; моданинг нимага мўлжалланганлиги ва йўналиши қандайлигидан келиб чиқади.

Пропорциялар - бу кийим алоҳида қисмлардаги мос ўлчамларнинг бир - бирига ҳамда одам гавдасидаги мос ўлчамларга бўлган нисбатидир.

Костюм композициясида икки хил асосий нисбат бўлиб, уларни оддий нисбатлар ва иррицонал нисбат деб аталади.

Оддий нисбатлар - бу бутун сонлар нисбати. 1 дан 8 гача бўлган сонлар оддий нисбатларнинг чегараси ҳисобланади. Уларни амалда инсон идрок этадиган миқдорлар мослилигини аниқ идрок этиш чегараси дейиш мумкин. Костюм устидаги тадқиқотлар кўрсатишича, 7/8, 3/4, 1/3, 2/3 нисбатлари энг кўп учраб турар экан (1.20-расм);

Иррицонал нисбатлар - бу кўпинча геометрик тузилма ёрдамида олинадиган каср сонлар нисбати.

Қуйидагилар иррицонал нисбатларнинг пропорционаллигига мисол бўла олади: квадрат томонининг унинг диагоналига нисбати, тенг томонли учбурчак асоси ярмининг шу учбурчак баландлигига нисбати

а:в-1: ^3*1:1,74;

«Олтин кесим» деб аталадиган геометрик пропорция

а:в*в:(а:в).





4 расм. Моделдаги ирроционал нисбтлар.

«Олтин кесим» пропорциялари иррационал сонларни ишлатиш қулайроқ бўлиши учун сонлар қатори тарзида ифода этиладиган математик қатори қилиши мумкин. Бу қатордаги рақамлар ўзидан олдинги иккита сон йиғиндиси тарзида ҳосил бўлади (1, 2, 3, 5, 8, 13, 21, 34, 55 ва ҳоказо), ҳар қайси жуфтдаги сонлар нисбати (3/5, 5/8, 8/13, 13/21 ва бошқалар) эса «олтин кесим» нисбатига яқин. АВ кесмасининг «олтин» кесим» ини геометрик ясаш қуйидагича бўлади: В нуқтасидан АВ га перпендикуляр чизилади, унда ВЕ*1/2 АВ кесмаси белгиланади. А билан Е нуқталарн бирлаштирилади, ЕД*ВЕ кесмаси, ниҳоят, АС*АД белгиланади АВ:АС*АС:ВС

Костюмда шаклнинг ҳамма хусусият жиҳатларини пропорциялаб олинади, яъни деталларнинг ўлчамлари пропорциясинигина эмас, балки ифодали фактура сатҳининг, гул, декаратив элементлар, шакл алоҳида қисмлари сатҳининг пропорциялари ҳам топиб олинади. Қандай пропорционал нисбатларни танлаш кийимга қўйиладиган функционал талабларга боғлиқ. Шунинг учун ҳамма ҳолларда бир хилда яхши бўлаверадиган қандайдир пропорция бўлиши мумкин эмас. Пропорция танлаш киши гавдасининг хусусиятларига ҳам - унинг бўйи, тўлалиги, қомат расолиги қандайлигига ва, албатта, ёшига ҳам боғлиқ. Масштаб ва масштаблилик. Кийимда пропорция гармониянинг яна бир муҳим воситаси - масштаблилик билан ажралмасликда бўлади. Масштаблилик - шаклнинг ва ундаги элементларнинг одамга нисбатан, теварак - атроф фазога ва бошқа шаклларга нисбатан мослигида. «Инсон - ҳамма нарсаларнинг меъёри» - бу сўзлар қадимги Юнонистоннинг Дельфа шаҳридаги ибодатхона мармар деворига ўйиб ёзилган. Бу сўзлар предметлар оламининг инсон ўзи учун нимаики яратган бўлса, ҳаммасининг моҳиятини аниқ ифода этади.

Кийимнинг масштаблилиги унинг абсолют катта-кичиклигига эмас, балки унинг одамга мослигига қараб белгиланади. Костюм ва уни ташкил этган ҳамма элементлар (уст кийим, оёқ кийим, бош кийим ва бошқалар) одамнинг ўлчамларига - унинг бўйига, гавда тузилишига ҳамма вақт бирон нисбатда, яъни мос бўлади.




5 расм.  Кийимдаги масштаблилик.



6 расм. Кийимда масштаблилик ўртасида боғлиқлик.

Масштаблиликнинг идрок этилиши билан шакл бўлаклари ўртасида боғлиқлик бор. Шакл бўлаклари қанча йирик бўлса шунча катта масштабли бўлади. Бўлинмаган шакл бўлинган, шаклдан кўра йирикроқ кўринади, горизонтал бўлинган шакл вертикалига бўлинган шаклга қараганда йирик туюлади

Костюм ва ундаги қисмларнинг масштаблилиги материалларнинг ҳусусиятларини қандай тушунишга, кийим конструкцияси ва уни қандай тикилишига боғлиқ.

Предметларнинг реал катталиги ёки масшгаблилиги ҳақида тушунча уларни бир-бирига чоғиштириш процессида ҳам, одам ўлчамларига таққослаш процессида ҳам юзага келади. Масштабликка эришиш пропорциялаш билан боғлиқ бўлади. Пропорцияларни ўзгартириш

йўли билан гавдани катталаштириб ёки кичиклаштириб кўрсатиб, гавдага чинакам ёки сунъий масштаб бериш мумкин.

Контраст, нюанс, ўхшашлик. Шакл элементлари ўхшашлик, принципига контрастлик принципига биноан бирлашган бўлиши, яъни ҳамма қисмлар такрорланишга асосланган ёки шакл, ранг, ҳажмлилик даражаси, фактурадаги чизиқлар жиҳатидан бир-бирига қарама-қарши қўйилган бўлиши мумкин.



7 расм. Контраст, нюанс, ўхшашликлар.

Пластик нюанслар аввало шакл характерида кўзга кўриниб, унга санъатга хос, алоҳида илиқлик беради.

Нюанс - энг нозик восита. «Сал-пал дегани қаерда бошланса, санъат ўша ерда бошланади» - деганида буюк К. Брюлов санъатнинг энг характерли хусусиятини айтган бўлса ажаб эмас.

Костюм композициясини нюансли ҳал этилиши ҳамма ёшдагиларга, ҳамма тур қоматлиларга ва ҳар қандай ишга мўлжалланганда ҳам тўғри келаверади.

**3. Мавзу асосида ўқув услубий комплекс яратиш.**

**“Тасдиқлайман”**

Ўқув ишлари бўйича проректор

____________ **А.Абдуқодиров**

2012 йил “___” ____________

**«КОМПОЗИЦИЯ АСОСЛАРИ»** фани бўйича

5140900 – «КАСБ ТАЪЛИМИ (ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ» таълим йўналиши

140000 - ЎҚИТУВЧИЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА фани таълим соҳаси учун

## ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

5 – семестр

| | | |
|---|---|---|
| Умумий ўқув соати | – | 60 соат |
| Шу жумладан: | | |
| Маъруза | – | 18 соат |
| Лаборотория машғулотлари | – | 18 соат |
| Мустақил таълим | - | 24 соат |

Фарғона – 2012

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Ер усти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатацияси” кафедрасини 2012 йил “_______”август № 1 - сон мажлисида муҳокама этилди ва маъқулланди.

***5140900 “Касб таълими” (Енгил саноат маҳсулотлари технологияси)***.

**Тузувчи: 26 – 09 гуруҳ талабаси**

***Нурматова М*** ____________

(лавозими, даражаси ва илмий унвони) (имзо)

**Тақризчи:**

***“ЕУТТ ва Э” кафедраси асисстентиМирбобоева Г.*** ____________

(Ф.И.О. лавозими, даражаси ва илмий унвони) (имзо)

Фаннинг ишчи ўқув дастури ***Механика*** факультети

(факультет номи)

кенгашининг 2012 йил “____” августдаги “1”-сон қарори билан тасдиқланди.

Кенгаш раиси:

2012 йил “____” август _____________ И.Т.Каримов

(имзо) *(ф.и.о.)*

**Келишилди:**

Кафедра мудири:

2012 йил “____” август ___________ **М.Турдиев**

(имзо) *(ф.и.о.)*

# КИРИШ

Костюмни яратиш – бу кийимнинг хилма-хил шакл ва конструкцияларини доимо излаш жараёнидир. “Композиция асослари” фани дизайнерлар бадиий жихатдан тайёрлашда асосий ўринлардан бирини эгаллайди.

Композиция – барча санъат турларини асосий тушунчаси бўлгани учун талабалар ушбу тушунчага оид қоидаларни билиши керак.

Республикамизда бадиий таълим ислохотларини янада чуқурлаштириш, сохалари бўйича малакали кадрларни тайёрлаш борасида, уларнинг касбий хусусиятларини ривожлантирувчи, шунингдек, иқтидорли, ижодкор, мутахассис кўникмаларини ўзида намоён этувчи ва сохага қизиқиш уйғота олувчи, ўз йўналиши ва услубий топишда, айниқса бадиий лойихани ечими, костюм композициясини мазмун ва мохияти жихатидан мукаммалиги учун мухим бўлиб, малакали дизайнерлар тайёрлаш учун фан сифатида зарурияти жуда катта.

## 2. ЎҚУВ ФАНИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Фаннинг ўқитилишидан мақсад – мутахассисда асосий композицион категориялар, хусусиятлар ва воситалар ёрдамида образли-конструктив тафаккурни туғдириш, костюмнинг тузилишидаги асосий қонуниятлар ва қоидалари билан танишиш хамда янги моделлар яратиш малакасини эгаллаш.

Фаннинг вазифаси – турли ассортимент ва жинс гурухлари хамда вазифасини хисобга олиб костюм композициясини (кийим, бош кийим, оёқ кийим ва аксесуарлар) яратиш бўйича билим ва кўникмаларини ўргатиш. Бўлажак мутахассис костюм композициясини ярата олиши, бошқа ихтисослик фанлардан олган билим ва кўникмаларини қўллаб ижодий ғояларини аниқ модел-конструкцияларида акс эттира олиши керак.

## 3. ФАННИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Фанни ўқитишда маьруза ва амалий машғулотларни ўтказиш давомида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар қўлланилади, жумладан “композиция категориялари” мавзусида Симметрия ва ассиметрия тўғрисида

уларни костюмда қўлланиланилиши кийим газламалари, ранглар, нақшлар мавзусига замонавий ахборот технологиялари элементлари қўлланилади. “Кийим формасини яратиш” мавзуларидаги янги педагогик технологияларининг "Ақлий хужум" хамда "кластер" усулларни қўллаб машғулотлар ўтказилади.

4“**КОМПОЗИЦИЯ АСОСЛАРИ"**фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти

1-жадвал

| т/р | **Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни** | **Соатлар** |
|---|---|---|
| | | **Маьруза** |
| 1 | Кириш.<br>1.1.Композиция асослари тўғрисида асосий маьлумот.<br>1.2.Хажмий ва текислик композициялари. | **2** |
| 2 | 2.1.Композиция категориялари.<br>2.2.Тектоника. | **2** |
| 3 | 3.1.Хажмий фазовий структуранинг асосий хусуиятлари.<br>3.2.Шаклни катта-кичиклиги | **2** |
| 4 | 4.1.Композициянинг хусусиятлари.<br>4.2.Композицияни яхлитлигини яратиш учун қўлланиладиган қонуниятлар. | **2** |
| 5 | 5.1.Шаклнинг яхлитлиги<br>5.2.Симметрия ва ассиметрия тўғрисида тушунча.. | **2** |
| 6 | 6.1.Композиция воситалари.<br>6.2.Костюмдаги пропорциялар.<br>6.3. Кийимдаги масштаблилик | **2** |

| | | |
|---|---|---|
| 7 | 7.1.Костюм композициясида рангнинг роли.<br>7.2.Хроматик рангларнинг хусуияти<br>7.3.Ахроматик рангларнинг турлари | **2** |
| 8 | 8.1.Костюм композициясида метрик ва ритмик қонуниятлар<br>8.2.Кийим композициясида метрик тартиблар | **2** |
| 9 | 9.1.Костюмда қўлланиладиган материалларни асосий хусусиятлари<br>9.2.Материалларнир пластик ва манзарали хусусиятлари<br>9.3.Материални расми ва фактураси | **2** |
| | ОБ максимал балл 30 (17) | |
| | Жами | **18** |
| **Лабаратория машғулотлари** | | |
| 1 | Хажмий композицияни турларини ўрганиш | **2** |
| 2 | Тектониклик ва нотектоникликлардан фойдаланиб кийим моделларини яратиш | **2** |
| 3 | Шаклни катта кичиклигидан фойдаланиб кийим моделларини яратишни ўрганиш. | **2** |
| | 1 – ЖБ максимал балл 13 | |
| 4 | Сифат, миқдор, марказда жойлашиш қонунларини моделларда талқин қилишни ўрганиш. | **2** |
| 5 | Симметрия ва ассиметриянинг моделларда яратилишини ўрганиш | **2** |
| 6 | Костюмдаги пропорциялардан фойдаланиб моделлар эскизларини чизиш. | **2** |
| | 2 – ЖБ максимал балл 13 | |

| | | |
|---|---|---|
| 7 | Ранглар мутаносиблигидан фойдаланиб моделлар яратиш | **2** |
| 8 | Метрик ва ритмик қонуниятлардан фойдаланиб кийим моделларини яратиш | **2** |
| 9 | Турли хил материалларни асосий хусусиятларидан структура, фактура, нақш элементларини ўрганиш. | **2** |
| | 3 – ЖБ максимал балл 14 | |
| | Жами | **18** |

## 5.ТАЛАБАЛАР МУСТАҚИЛ ТАЬЛИМИНИНГ МАЗМУНИ ВА ҲАЖМИ

Мустақил ишни бажариш учун 24 соат ажратилган. Мустақил ишни шакли ва хажмлари:

- Маьруза машғулотларида олинган билимларни мустаҳкамлаш - 12 соат
- Лабаратория машғулотларига тайёргарлик кўриш - 12 соат

2 - жадвал

| Ишчи ўқув дастурининг мустақил таьлимга оид бўлим ва мавзулари | Мустақилтаьлимга оид топшириқ ва тавсиялар | Бажарилиш муддатлари | Хажми (соатда) |
|---|---|---|---|
| Костюм композцияси асослари. Шаклнинг геометрик кўринишидан | Реферат шаклида хисобот топшириш | Ноябр | 12 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| фойдаланиб турли хил эскизларни яратиш. | | | |
| Интернет тармоғидан фойдаланиб хомаки эскизлар ва тугалланган эскизларни яратиш. | Реферат шаклида хисобот топшириш | Январ | 12 |

6.“ **КОМПОЗИЦИЯ АСОСЛАРИ**” фанидан рейтинг ишланма ва бахолаш мезонлари

Рейтинг ишланмаси

Рейтинг жадвали

Композиция асослари фанидан

7 семестрга ажратилган

Жами – 60 соат

Маьруза – 18 соат

Лабаратория машғулотлари – 18 соат

Мустақил таьлим – 24

3 - жадвал

| т/р | Назорат турлари | Сони | Балл | Жами балл |
|---|---|---|---|---|
| I | Ж.Б<br>1.лаб | 7<br>2 | 4<br>6 | 28<br>12 |
| II | О.Б<br>2.1. Ёзма иш | <br>1 | <br>30 | <br>30 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| III | Я.Б | 1 | 30 | 30 |
| Жами | | | | 100 |

## 7. Рейтинг назоратини баҳолаш меъзонлари

Талабанинг фан бўйича ўзлаштиришини баҳолаш мунтазам равишда олиб борилади ҳамда “Жорий баҳолаш” (ЖБ), “Оралиқ баҳолаш” (ОБ) ва “Якуний баҳолаш” (ЯБ) турлари орқали амалга оширилади.

ЖБ да фаннинг ҳар бир мавзуси бўйича талабанинг билими ва амалий кўникмалари амалий машғулот ва амалий ишларида аниқлаб борилади. Талабалар билимини баҳолаш учун ЖБ га 40 балл ажратилган.

ЖБ қуйидаги намунавий мезонлар асосида амалга оширилади (мустақил таълим бирга)

4 - жадвал

| Балл | Баҳо | ЖБда талабанинг билим даражаси |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 35-40 | Аъло | Талаба амалий ишларига тегишли мавзуни тўлиқ ўзлаштириб унга ижодий ёндошиб, моҳиятини тўлиқ тушунади ва мустақил бажара олади. Иш бўйича ўз хулосасига эга бўлиб амалда қўллай олади. Бажарилган амалий иши бўйича белгилаб қўйилган саволларга тўлиқ жавоб бера олади. |

| | | |
|---|---|---|
| 29-34 | Яхши | Амалий ишларии моҳиятини тушунади ва мустақил бажара олади. Иш бўйича ўз кўникмаларига эга ва амалда қўллай олади. Бажарилган амалий иши бўйича белгилаб қўйилган саволларнинг 71 % га жавоб бера олади. |
| 28-23 | Қониқарли | Амалий ишлари моҳиятини тушунади. Бажарилган иш бўйича ўз тушунчасига эга. Бажарилган амалий иши бўйича белгилаб қўйилган саволларнинг 56 % га жавоб бера олади. |
| 0-22 | Қониқарсиз | Амалий иши бўйича аниқ тасаввурга эга эмас. Берилган саволларга қониқарли жавоб бера олмайди. |

Юқорида келтирилган мезонлар бўйича бахоланган амалий ишиларининг баллари семестр якунида жамланади.

Талабалар билимини ОБ фаннинг бир неча мавзуларини қамраб олган қисми якунлангандан кейин ёзма иш шаклида ёки тест куринишида ўтказилади. ОБ 1 марта ўтказилиб, унга 20 балл ажратилган. ОБ га талабаларга ёзма иш учун учтадан савол берилади.

Талабалар билимини ОБ қуйидаги намунавий мезонлар асосида амалга оширилади.

1 та оралиқ 20 балл, мустақил таълимдан ташқари

5 - жадвал

| Балл | Баҳо | ОБда талабанинг билим даражаси |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |

| | | |
|---|---|---|
| 26-30 | Аъло | Талаба вариант бўйича берилган саволларга тўлиқ жавоб ёза олади ва бу жавобларни мантиқан асослаб, расм ва схемалар сифатли қилиб чизади. Мавзу бўйича юқори назарий ва амалий билимга эга. Талаб этилган ҳисобларга оид формулалари келтириб, мавзу бўйича ўз хулосаларини баён қила олади. |
| 22-25 | Яхши | Талаба вариант бўйича берилган саволларга деярли тўлиқ жавоб ёза олади. Расм ва схемаларни келтира олади. Мавзу бўйича ўз хулосасига эга. |
| 17-21 | Қониқарли | Талаба вариант бўйича берилган саволларга асосан жавоб ёзишга ҳаракат қилади, расм ва схемалар келтиришга уринади. |
| 0-16 | Қониқарсиз | Талаба вариант бўйича берилган саволларга деярли жавоб ёза олмайди. Расм ва схемалар келтира олмайди. Мавзу бўйича етарли назарий ва амалий билимга эга эмас. |

Юқорида келтирилган мезонлар бўйича баҳоланган ОБ баллари семестр якунида жамланади. ЯБ да талабанинг билим, кўникма ва малакалари фаннинг умумий мазмуни доирасида баҳоланади. ЯБ да талабага 3 та саволдан иборат вариант берилади. ЯБ семестр якунида ўтказилади ва унга 30 балл ажратилган. ЯБ ёзма иш кўринишда ўтказилиб, қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади. (мустақил таълим билан бирга)

6 - жадвал

| Балл | Баҳо | ЯБда талабанинг билим даражаси |
|---|---|---|
| 26-30 | Аъло | Талаба фан бўйича берилган саволларга тўлиқ жавоб бера олади. Талаб этилган расмлар ва схемаларни чизади ва тушунтириб бера олади. Берилган |

| | | |
|---|---|---|
| | | саволларни моҳиятини яхши тушинади. Назарий ва амалий билимга эга. Жавобни юқори савияда билиб, айтиб бериш қобилиятига эга. Қўйилган масала бўйича ижодий фикрлайди, хулоса ва қарорлар қабул қила олади. |
| 22-25 | Яхши | Талаба фан бўйича берилган саволларга жавоб бера олади. Талаб этилган расмлар ва схемаларни чизади. Мустақил мушоҳада юритиб назарий билимини амалда қўллай олади. Савол моҳиятини тушинган ҳолда ўз хулосасини баён қила олади. |
| 17-21 | Қониқарли | Талаба фан бўйича берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қилади. Саволнинг моҳиятини тушиниш, уни билиш ва айтиб бериш кўникмаларига эга. Олдига қўйилган масалани ечиш йўллари бўйича маълум бир тасаввурга эга. |
| 0-16 | Қониқарсиз | Талаба фан бўйича берилган саволларга аниқ тасаввурга ва етарли назарий ҳамда амалий билимга эга эмас. |

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали яъни ўзлаштириш кўрсаткичи ҳар бир баҳолаш турларидан тўпланган баллар йиғиндисига тенг бўлади.

**8.Дастурнинг информацион- услубий таъминоти**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари, интернет маълумотлари қўлланиши назарда тутилган:

- Материалларни технологик транспортловчи машиналар назарияси асослари бўлимига тегишли маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон- дидактик технологияларидан;

- қурилиш машиналарининг унумдорлик парметрларини, оқилона технологик параметрларини ҳисоблаш мавзуларида ўтказиладиган лаборатория машғулотларда ақлий хужум, гурухли фикрлаш педагогик технологияларидан;

- Материалларни технологик транспортловчи машиналар фанини ўқитишда кўргазмали қуроллар, техникавий воситалар ва бошқа дидактик материаллардан (технологик хариталар, меҳнат жараёнлари харитаси, топшириқлар, машқлар) ташқари замонавий компьютерлар, мультимедия ва интернетлардан ҳамда видео кассеталардан фойдаланиш йўллари тавсия этилади. Ўқув жараёнларида талабаларнинг мантиқий самралали фикр юртишга ўргатиш учун уларнинг ижодкорлик кучидан фойдаланиш технологиялари қўлланилади.

Таълим беришнинг ақл (мия) ни зўр бериб ишга соладиган усуллардан, иш учун фойдали ўйинлардан, можароли вазиятлардан ва бошқа ишбилармонлик ўйинларидан фойданилади.

**9. Ўқув – услубий адабиётлар рўйхати**

Асосий

1.Ермилова В.В, Ермилова Д.Ю «Моделирование и художественной оформление одежды» М: Академия 2006 й

